

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.06.2018. Т.73.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАМАДАЛИЕВ АЗИЗ ЮСУПАЛИЕВИЧ**

**АСОСИ ҚУМДАН БАРПО ҚИЛИНГАН ВА КЎЧУВЧИ ҚУМ  
БИЛАН ИФЛОСЛАНГАН, ВИБРОДИНАМИК ЮКЛАМАНИ ҚАБУЛ  
ҚИЛУВЧИ ТЕМИР ЙЎЛ БАЛЛАСТ ҚАТЛАМИНИНГ ЮК КЎТАРИШ  
ИМКОНИАТИ**

**05.08.02 – Темир йўллар ва йўл хўжалиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Мамадалиев Азиз Юсупалиевич**

Асоси кумдан барпо қилинган ва кўчувчи қум билан ифлосланган,  
вибродинамик юкламани қабул қилувчи темир йўл балласт қатламининг  
юк кўтариш имконияти .....3

**Мамадалиев Азиз Юсупалиевич**

Несущая способность железнодорожного балластного слоя на  
песчаном основании, загрязненного подвижным песком,  
воспринимающего вибродинамическую нагрузку .....25

**Mamadaliyev Aziz Yusupaliyevich**

The bearing capacity of the railway ballast layer on a sandy base,  
contaminated with moving sand, which absorbs  
a vibrodynamic load .....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....49

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.06.2018.Т.73.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАМАДАЛИЕВ АЗИЗ ЮСУПАЛИЕВИЧ**

**АСОСИ ҚУМДАН БАРПО ҚИЛИНГАН ВА КЎЧУВЧИ ҚУМ  
БИЛАН ИФЛОСЛАНГАН, ВИБРОДИНАМИК ЮКЛАМАНИ ҚАБУЛ  
ҚИЛУВЧИ ТЕМИР ЙЎЛ БАЛЛАСТ ҚАТЛАМИНИНГ ЮК КЎТАРИШ  
ИМКОНИАТИ**

**05.08.02 – Темир йўллар ва йўл хўжалиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4PhD/Т119 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирахмедов Махамаджон Мирахмедович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонетлар:**

**Кайнарбеков Асемхан Кайнарбекович**  
техника фанлари доктори, профессор  
(Қозоғистон)

**Досметов Султан Камалович**  
техника фанлари номзоди

**Етақчи ташкилот:**

Н.Исанов номидаги Қирғизистон давлат қурилиш, транспорт ва архитектура университети (Қирғизистон)

Диссертация химояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.28.06.2018.Т.73.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «28» июн соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (99871) 2990001, 2935754, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 2990001, 2935754)

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2019 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.И. Адилходжаев**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**В.М. Цой**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юқори тезликдаги ҳаракатланувчи поездлар ҳаракат хавфсизлигини ошириш, йўлларнинг ҳолати ва транспорт оқимида салбий таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиб, камайтирувчи технология ва усулларни ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. Ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония каби мамлакатларнинг транспорт магистрал ва маҳаллий тармоқларига таъсир кўрсатувчи турли таъсирларни камайтирувчи ва бартараф этиш усулларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан темир йўл транспорти йўл хўжалиги тизимида таъсир кўрсатувчи табиий иқлим шароитлари ва транспорт воситалари ҳаракатида ҳосил бўлувчи ифлосланиш ҳолати, вибродинамик юкларни қабул қилувчи темир йўл балласт қатламининг мустаҳкамлигини ошириш, темир йўл балласти геотекстил материалларининг янги таркибларини яратиш ҳамда балласт қатламини тозаловчи техник ва технологик воситаларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда объектларни қум босишидан сақлаш учун кўчувчи қумларни мустаҳкамлаш учун турли усуллар, жумладан биологик, механик, физик-кимёвий ҳимоялаш усуллари ҳамда уларни кўп функционал ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан чўл ҳудудлари учун темир йўл хўжалигида кўчувчи қумлардан ҳимояланишнинг комбинациялашган конструкция, усул, технологияларини ишлаб чиқиб, мустаҳкамлашга эришилаётганлигига қарамадан балласт қатлами кўчувчи қумлар билан ифлосланиши давом этмоқда. Шу сабабли мавжуд усулларни такомиллаштириш ва янги усулларни жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга кўчувчи қумлар мавжуд ҳудудларда темир йўл балласт қатламини ифлосланиш даражасини аниқлаш ҳамда уни юк кўтариш имкониятини ошириш усулларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда автомобил ва темир йўл транспорт иншоотларини қуриш, улардан фойдаланиш йўналишида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ... » вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламида ва унинг ташқарисида поездлардан ҳосил бўладиган вибродинамик юклар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

тебранишларининг сўниш чегараси аниқлаш, кўчувчи кумлар таъсирида ифлосланган балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, вибродинамик юкламалар таъсирида тебранишларнинг балласт қатламида, шунингдек ер кўтармаси чегарасида тарқалишининг математик моделларини ишлаб чиқиш, темир йўлни кўчувчи кумлардан химоя қилишни ташкилий-технологик лойиҳалаштириш мақсадида конструктив-технологик ечимларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 18 июлдаги ПҚ-3866-сон «Бухоро - Мискин темир йўл линияси хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кум саҳроларида темир йўлларни лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ҳамда мавжуд темир йўлларда ҳаракатланувчи таркиблардан балласт қатлами ва ер полотносига тушувчи вибродинамик юкламалар таъсирини камайтириш, темир йўлни кум босишидан химоя қилиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий тадқиқот институтларида, жумладан: Universiti of Texas at Austin (АҚШ), Tokyo Universiti of Science (Япония), Санкт-Петербург давлат темир йўл университети (ПГУПС), Москва давлат темир йўл университети (МИИТ), Темир йўл транспортида илмий тадқиқот институти (АО «ВНИИЖТ»), Беларус давлат техника университети (БГТУ)да олиб борилмоқда.

Кўчувчи кумлар билан ифлосланган, вибродинамик юкламани қабул қилувчи темир йўл балласт қатламининг юк кўтариш имкониятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, темир йўл объектларини кум кўчкиларидан химоя қилиш ва уларни бартараф этиш соҳасида жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан N.Matsuo, Toupet Charles, M.Courel, Y.Ashkenazy, С.Н.Попов, Е.С.Варызгин, Ю.П.Смолинский Ю.В.Ефремов, Г.М.Шахунянц, Г.Н.Жинкин, И.В.Прокудин, А.Н.Марготьев, Е.С.Ашпиз, А.И.Кистанов, Г.Г.Коншин, Л.С.Лapidус, М.А.Раскин, Чему Жильбер, Л.К.Громов, А.Ф.Колос, Д.С.Николайтис ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юртимизда кум саҳроларида темир йўл конструкцияларининг юк кўтариш имкониятини ошириш, уларнинг эксплуатацион ишончлилигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш, химоя қилиш ва бартараф этиш,

темир йўл линияларида янги барпо этилаётган ҳамда эксплуатациядаги темир йўл ер кўтармаси ва балласт қатлами ишончлилигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар Т.И.Фазилов, Р.С.Закиров, М.М.Мирахмедов, А.Х.Абдужаббаров, С.Т.Джаббаров, С.К.Досметов, Ш.Ш.Абдукамилов, А.М.Абдукаримов, З.Э.Мирсалихов, М.К.Музаффарова ва шу каби олимлар томонидан олиб борилиб, улар бу соҳада турли йилларда тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришганлар.

Маҳаллий ва хорижий амалиётдан келиб чиқиб, темир йўл балласт қатлами конструкцияси, балласт ва унинг материаллари мустаҳкамлик тавсифлари, шунингдек, унинг мустаҳкамлик хоссаларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш бўйича кўп йиллар давомида бажарилиб келинган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг етарли эмаслигини таъкидлаш мумкин. Кўчувчи қумлар билан ифлосланган, вибродинамик юкламаларни қабул қилувчи темир йўл балласт қатламининг юк кўтариш имконияти ва унинг турғунлигини сақлаш бўйича бажарилган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-14-22 «Ўзбекистон темир йўли мисолида экзоген жараёнлар ва энергия тежайдиган усуллар намоён бўлган шароитларда табиий-техник тизимларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш» (2015-2017), №БЁА-14-001 «Темир йўлларни кўчма қумлардан ҳимоя қилишни ташкилий-технологик жиҳатдан лойиҳалаш», №БЁА-14-003 «Поездларнинг юқори тезликда ҳаракатланиши шароитида вибродинамик юкларни ҳисобга олган ҳолда темир йўлларнинг шпала ости асосини лойиҳалаштириш услуги» (2016-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** балласт қатламида ва ундан ташқарида тебранишлар амплитудаси тарқалишини ҳисобга олган ҳолда кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини ошириш усулини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

поездлардан тушадиган вибродинамик юклама таъсирида юзага келадиган тебранишларнинг кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламида ва ундан ташқарида тарқалиш ифодаларини аниқлаш;

кўчки қумлар билан ифлосланган балласт қатламида тебранишлар тарқалишининг турли юкламаларга боғлиқлигини ва тавсифларини аниқлаш;

вибродинамик юкламаларни балласт қатламининг мустаҳкамлик тавсифларига кўрсатадиган таъсир даражасини баҳолаш;

поездлар ҳаракатидан тушадиган вибродинамик таъсирни ҳисобга олган ҳолда кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш орқали кўчувчи қумлар мавжуд темир йўл участкаларида балласт қатламини тадқиқ этишнинг янги усулини ишлаб чиқиш;

объектларни чўл ҳудудларида кўчувчи кумлар босишидан ҳимоя қилишда қўлланиладиган фаол шамолларнинг маконда тақсимланиши ва тасвирини олиш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро-Мискин темир йўл линиясида барпо этилган йўлнинг юқори қурилмаси элементи – балласт қатлами олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кўчувчи кумлар билан ифлосланган балласт қатламининг мустаҳкамлик тавсифларига таъсир этувчи жараёнлар, шунингдек поездлардан тушувчи вибродинамик юкламалар таъсиридаги балласт қатламининг юк кўтариш имконияти ва тебранишларнинг тарқалиш усулини ифодаловчи кўрсаткичларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида темир йўл балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини таҳлил қилишда назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари, экспериментлар ва дала шароитларидаги тажриба натижаларига ишлов беришнинг математика-статистика, ахборот технологияларининг инструментал усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кўчувчи кумлар билан ифлосланган темир йўл балласт қатламида поездлардан тушувчи вибродинамик юкламалар таъсирида юзага келувчи тебранишларнинг тарқалишини аниқлаш усули юкламаларни белгиловчи коэффициент орқали такомиллаштирилган;

кўчувчи кумлар билан ифлосланган темир йўл балласт қатламида поездлардан тушувчи вибродинамик юкламалар таъсирида қатламда юзага келувчи зўриқиш зоналарини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

кўчувчи кумлар мавжуд ҳудудларда темир йўл балласт қатламиндан олинган намуналарни саралаш ва ҳосил қилинган маълумотларни ҳисоблаш орқали балласт қатламининг ифлосланганлик даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

турли темир йўл инфратузилмаси объектларини кўчувчи кумлар босишидан ҳимояни лойиҳалаштиришда қўлланадиган фаол шамолларнинг сўнгги 50 йиллик маълумотлар базаси яратилган ва ҳосил қилинган маълумотларни ҳисоблаш орқали ҳудудларда фаол шамоллар тақсимланиши моделининг тасвирини олиш усули ишлаб чиқилган;

балласт қатламининг кўчувчи кумлар билан ифлосланиш даражасини камайтириш ҳамда ер полотносининг мустаҳкамлигини ошириш учун эксплуатациядаги мавжуд қатлам ва полотно конструкциясига ҳисоб-китоблар асосида ўзгартиришлар киритилган, шу билан бирга балласт қатлами ҳамда ер полотносини эксплуатация қилиш жараёнида ишлатиладиган мавжуд йўл хўжалиги технологияси ўрнига янги замонавий технологиядан фойдаланиш ва унга қўшимча қурилма қўшиш орқали ушбу конструкция ҳамда технология такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

поездлардан тушувчи вибродинамик юкламани қабул қилувчи балласт қатламининг юк кўтариш имкониятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш ва уларнинг бартараф этилишини ҳисоблаш усуллари материал тури ва муҳит шароитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

тебранишларнинг вибродинамик юкламалар таъсирида балласт қатлами ҳамда ер кўтармаси чегарасида тарқалишининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

илк маротаба фаол шамолларнинг графоаналитик таҳлилини амалга ошириш ва балласт қатламининг ифлосланганлик даражасини комплекс баҳолашни амалга ошириш имконини берувчи республика ҳудудларини районлаштириш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги улар тадқиқотнинг замонавий услуб ва усулларидан фойдаланган ҳолда, математик статистика қонунлари асосида назарий тадқиқотлар олиб бориш, темир йўл балласти қатламининг назарий ҳисоб-китоб маълумотларининг соҳада дала шароитларида олиб борилган тадқиқот натижалари билан мувофиқлиги, тадқиқотларда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини тасвирлайдиган математик боғлиқликларни ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, темир йўл балласт қатламининг кўчувчи қумлар билан ифлосланганлигини ҳисобга олган ҳолда балласт қатламини ҳисоблаш усулларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини илмий асосда режалаштиришдан иборат бўлиб, поездларнинг узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш ва конструкцияларнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш, балласт қатламини қуриш ва режали олдини олиш таъмирлаш ишларида юк кўтариш имкониятини прогнозлаш, балласт қатламининг юк кўтариш имкониятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўчувчи қумлар билан ифлосланган, вибродинамик юкламани қабул қилувчи темир йўл балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини ошириш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

кўчувчи қумлар билан ифлосланган темир йўл балласт қатламида поездлардан тушувчи вибродинамик юкламалар таъсирида қатламда юзага келувчи зўриқиш зоналарини баҳолаш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги Бухоро-Мискин темир йўл линияси темир йўл ер кўтармаси ва балласт қатламини эксплуатация қилиш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 1 апрелдаги Н/1689-19-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида темир йўл балласт қатламида тебранишларнинг сўниш чегарасининг юкламага нисбатан боғлиқлигини белгилаш имконини берган;

кўчувчи қумлар мавжуд ҳудудларда темир йўл балласт қатламининг ифлосланиш даражасини аниқлаш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги Бухоро-Мискин темир йўл линияси темир йўл ер кўтармаси ва балласт қатламини эксплуатация қилиш жараёнига жорий этилган

(«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 1 апрелдаги Н/1689-19-сон маълумотномаси). Натижада темир йўл балласт қатламини 0,1 м га қалинлаштириш, ер кўтармасининг юк кўтариш имкониятини вертикал йўналишда 8% га ва горизонтал йўналишда 10% га ошириш имконини берган.

Турли темир йўл инфратузилмаси объектларини кўчувчи қумлар босишидан ҳимоя қилишни лойиҳалаштиришда қўлланадиган фаол шамолларнинг маконда тақсимланиш моделини тасвирлаш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги «Toshtemiryo'lloyiha» МЧЖга темир йўлни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 1 апрелдаги Н/1689-19-сон маълумотномаси). Натижада чўл ҳудудларида янги темир йўлларни лойиҳалаштиришда кўчувчи қумларни ҳосил қилувчи табиий шамол йўналишларини белгилаш имкони яратилган;

балласт қатламининг кўчувчи қумлар билан ифлосланиш даражасини камайтириш ҳамда ер полотносининг мустаҳкамлигини ошириш учун эксплуатациядаги мавжуд қатлам ва полотно конструкциясига ҳисоб-китоблар асосида ўзгартиришлар киритилган, шу билан бирга балласт қатлами ҳамда ер полотносини эксплуатация қилиш жараёнида ишлатиладиган мавжуд йўл хўжалиги технологияси ўрнига янги замонавий технологиядан фойдаланиш ва унга қўшимча қурилма қўшиш орқали такомиллаштирилган технология «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги Бухоро-Мискин темир йўл линияси темир йўл ер кўтармаси ва балласт қатламини эксплуатация қилиш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 1 апрелдаги Н/1689-19-сон маълумотномаси). Натижада линияда поездларнинг ҳаракатланиш графигида таъмирлаш учун ажратилган «техник танаффус»лар давомийлигини йўлнинг ҳар бир километри учун 5.6 соатга қисқартириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур илмий тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда, хорижий ва республика миқёсидаги конференцияларга оид тўпламларда 9 мақола нашр этилган. Шунингдек, 1 та монография ҳаммуаллифликда чоп этилган, 1 та дастурий таъминот учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олиган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва


вазифалари асосланиб, унинг объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**«Темир йўл балласт қатламининг техник ҳолати ва тавсифлари»** деб номланган биринчи бобда темир йўл балласт қатлами конструкциялари, балласт ва унинг материалларини мустаҳкамлик тавсифлари, шунингдек, балласт қатламининг мустаҳкамлик хоссаларига таъсир этувчи омиллар ва уларни олдини олиш бўйича кўп йиллар давомида бажарилиб келинган ва келинаётган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили келтирилган. Кўчувчи қумлар билан ифлосланган, вибродинамик юкламани қабул қилувчи темир йўл балласт қатламининг юк кўтариш имконияти ва турғунлиги бўйича бажарилган тадқиқотлар таҳлили қатлам динамикаси соҳасидаги яққол ютуқлар билан бирга мунозарали ёки ҳали тўлиқлигича ҳал этилмаган масалалар ҳам мавжудлиги кўрсатилган. Натижада вибродинамик юкламани ҳисобга олган ҳолда кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш зарурати юзага келган.

**Тадқиқотнинг «Кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатлами тебраниш жараёнининг табиий шароитдаги тадқиқотлари»** деб номланган иккинчи бобда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Бухоро-Мискин темир йўл линиясининг 43-разъезд Янгиобод ст. 3975 км темир йўл участкасида балласт қатлами тебраниш жараёнининг дала шароитида ўтказилган тадқиқотлари натижалари баён этилган.


Балласт қатламининг тебраниш жараёни механик тебранишларини электр токи тебранишларига айлантириш учун мўлжалланган СМ-3 типдаги магнит электр сейсмо қабул қилгичлар ёрдамида тадқиқ этилди. Балласт қатламидаги тебраниш жараёнлари мураккаб маконий характерга эга эканлиги ҳисобга олиниб, йўл ўқи бўйлаб ва унга кўндаланг равишда тебранишларнинг вертикал ва горизонтал таркибий қисмлари қайд этилди.

Балласт қатламининг тебранишларини қайд этилишининг принципиал схемаси 1-расмда кўрсатилган. Тадқиқотлар амалга оширилгунига қадар ва ундан сўнг барча датчик симлари, тебранишларни қайд этиш блоки ва махсус ишлаб чиқилган, қатъий белгиланган ишчи каналларига уланган дастурий таъминотига эга бўлган ноутбук билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг махсус намунавий стендида тарировкадан ўтказилди. Тарировкаланиш натижасида ҳар бир датчик учун сигналнинг ўзгартириш коэффицентлари аниқланиб, уларнинг қайд этиш дастурига киритилиши ёзувларни расшифровкалашда балласт қатламидаги тебранишлар амплитудаларининг ҳақиқий қийматларини олиш имконини берди.



**1-расм. Балласт қатлами тебранишларини қайд этишнинг принципаал схемаси**

гармоникаларга бўлинади. Бархан кумлари тебранишлари жараёни таркибий қисмларининг қийматлари таҳлилидан тебранишларнинг натижавий амплитудаси тебранишлар амплитудасининг вертикал таркибий қисми қиймати билан белгиланди. Олинган натижалардан кўришиб турибдики, йўл бўйлаб (x эгри чизик, 3-расм) ва йўлга кўндаланг тарзда (y эгри чизик, 3-расм) тарқаладиган тебранишлар амплитудаларининг горизонтал таркибий қисмлари тезлик ўзгаришининг барча диапазонида тўғри чизикли боғлиқликлар билан



**2-расм. Бухоро – Мискин линиясининг 3975 км даги сейсмоқабул қилгич участкаси схемаси**

даси қиймати кўп жиҳатдан вертикал компонент қиймати билан белгиланишини кўрсатди. Таркибий қисмлар бўйича тебранишлар даражасини солиштириш билан йўл бўйлаб тарқаладиган тебранишлар қиймати энг кичик деган хулосага келиш мумкин. Йўлга кўндаланг тарқаладиган тебранишлар қиймати каттароқ. Энг юқори вибрация даражаси вертикал таркибий қисмга тегишли.

Ҳар қандай тебраниш жараёнини тадқиқ этишнинг муҳим қисми тебранишларнинг вертикал ва горизонтал сатҳларда тарқалиш боғлиқлигини аниқлаш бўлиб, бу тебранишларнинг интенсив сўниш чуқурлиги ва масофасини белгилаб олиш имконини беради.


Тадқиқотлардан асосий мақсад тебранишлар амплитудаларининг балласт қатламида ва ундан ташқарида тарқалиш қонуниятларини аниқлашдан иборат бўлди. Балласт қатлами чуқурлиги бўйича амплитудалар сўниши қайд этиш

Датчикларнинг балласт қатламида жойлашиши 2-расмда кўрсатилган. Ўлчовлар балласт чуқурлиги бўйлаб, ҳар 20 сантиметр оралиқда, шпалаларнинг чекка қиррасидан бошлаб то ер полотносининг асосий майдончасига қадар амалга оширилган. Балласт қатламининг тебраниш жараёни ёрқин ифодаланган стохастик хусусиятга эгаллиги маълум бўлиб, жараённинг бир хил шароитларда турлича амалга оширилишидан олинган амплитудалар қийматлари 2-3 мартага фарқ қилади. Тебраниш ёзувлари натижалари кўрсатишича, тебранишларнинг ҳар бир компоненти шартли равишда икки - ўртача частотали ва юқори частотали

ҳаракат тезлиги ошиши билан йўл бўйлаб ва йўлга кўндаланг тарзда тебранишлар амплитудасининг ўсиш интенсивлиги катта фарқ қилмайди. z боғлиқлик (3-расм) поездлар ҳаракат тезлигининг ортиши билан тебранишлар вертикал компонентининг амплитудаси ўзгаришини акс эттиради.

3-расмда тақдим этилган натижалар тебранишларнинг натижавий амплиту-

графи, ҳамда 2-расмдаги схемага мувофиқ шпалалар чеккасида 40 см чуқурликда ўрнатилган датчиклар маълумотларига мувофиқ аниқланди. 4-расмда тақдим этилган тадқиқот натижалари ( $\delta_1$ ) кўрсаткичининг чуқурлик бўйича ўзгаришларини тавсифлаб, бу кўрсаткич балласт қатлами қуйи қисмидан ( $A_z$ ) маълум чуқурликда қайд этилган амплитудаларнинг асосий майдонда қайд этилган амплитудаларга ( $A_0$ ) нисбати сифатида аниқланади.



**3-расм. Балласт қатлами тебранишлари амплитудасининг йўловчи поездлар ҳаракатланиш тезлигига боғлиқлиги**

Тебранишлар жараёни тавсифлари соатига 55-115 км тезлик билан ҳаракатланадиган йўловчи поездлари остида юзага келадиган гармоникалар учун аниқланди. Олинган эгри чизиклар тўғри чизикли боғлиқликка эга экан, бу ҳолда  $K_1$  қийматини  $e$  асос бўйича логарифмлаймиз. Бунинг оқибатида, кўриниши даража кўрсаткичи  $\ln \delta_1 z$  га яқин бўлган ўртачалаштирилган эгри чизик қурилди

Шунинг учун

$$A_{zy} = A_0 e^{z \ln \delta_1 - \delta_2 (y - 1.35) + \delta_3 h}, \quad (1)$$

бу ерда  $A_{zy}$ -z ва у координатали нуқталардаги қатлам тебранишларининг натижавий амплитудаси, мкм;  $A_0$ -балласт қатламидаги тебранишларнинг эҳтимолий натижавий амплитудаси, мкм; z-шпала қиррасидан кўриб чиқиладиган нуқтага қадар вертикал бўйича масофа, м; у-кўриб чиқиладиган нуқтага қадар горизонтал бўйича масофа;  $\delta_1$ -тебранишларнинг чуқурлик бўйича сўниш коэффиценти;  $\delta_2$ -тебранишларнинг йўл ўқиға кўндаланг сўниш коэффиценти;  $\delta_3$ -балласт қатлами откос қисмидаги тебранишларнинг сўниш коэффиценти.

$$\delta_3 = \frac{\ln \delta_1}{1.5 \cdot ctg \alpha_1}, \quad (2)$$

бу ерда  $\alpha_1$  - кўтарма откосининг жойланиш бурчаги;  $h_i$  - кўтарма откосининг кўриб чиқиладиган нуқта устидан баландлиги, м;

$$h_i = \begin{cases} 0 & y \leq 0,5 b_{пл} \text{ бўлса,} \\ (y - 0,5 b_{пл}) tg \alpha_1 & y > 0,5 b_{пл} \text{ бўлса,} \end{cases}$$

бу ерда  $b_{пл}$  - ер кўтармаси асосий майдонининг эни, м;

$$\varphi(y) = \begin{cases} (y - 1,35) & \text{при } y \leq 3,6 \\ 2,25 & \text{при } y > 3,6, \end{cases}$$

бу ерда z - кўриб чиқиладиган нуқтанинг вертикал бўйича координатаси, м; у - координата маркази асосий майдонда йўл ўқи бўйлаб жойлашганида горизонтал бўйича ҳисобий нуқта координатаси, м.  $\delta_1$  бевосита графикдан

топилмаганлиги сабабли, бу ҳолда  $\ln \delta_1 = f(z)$  боғлиқлик 4-расмнинг қуйи қисмида ярим логарифмик координаталарда тақдим этилган бўлиб, бунинг оқибатида у доимий бурчак коэффициенти бўлган тўғри чизиқли тенглама билан ифодаланади. Тажрибалар давомида поездларнинг маълум тезликларида олинган ўртачалаштирилган қийматларга боғлиқ тебраниш амплитудалари ҳисоб-китоби натижалари (1) формула бўйича ўққа тушадиган турли юкламалар билан солиштирилганида (1-жадвал) улар ўзаро яқиндан мослиги маълум бўлди. Энг катта четлашишлар 1-2 мкм ни ташкил қилади, бироқ бошланғич қийматнинг 1% дан ошмайди.


1-жадвал

Датчикларнинг чуқурлигига кўра ўрнатилиш координаталари

Ҳисоб-китоб турлари	1 ст.		2 ст.		3 ст.	
	z=0	y=0	z=0,2	z=0	y=0	z=0,2
A <sub>экс</sub> , мкм	427,40		326,20		248,80	
A <sub>хис</sub> , мкм	427,40		324,12		245,79	
Хатолик %	0,00		-0,64		-1,22	

Вибродинамик юкламани қабул қиладиган, кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламининг юк кўтариш имкониятини аниқлаш мақсадида тебранишларнинг балласт қатламида ва ундан ташқарида тарқалишига боғлиқлиги белгилаб олинди. Бажарилган дала тадқиқотларидан балласт қатламининг исталган нуқтасида ва ундан ташқарида тебранишларнинг натижавий амплитудасини қуйидаги ифодадан ҳисоблаб топиш мумкинлиги аниқланди (1). Шундай қилиб, бажарилган тадқиқотлар тебранишлар сўнишининг, бундан келиб чиқиб, уларнинг вертикал ва горизонтал йўналишда тарқалишининг боғлиқлигини аниқлаш имконини бериб, бу балласт қатламининг ҳар қандай нуқтасида вибродинамик таъсирнинг қийматини баҳолаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, ифода (1) динамик юкламаларда тебраниш амплитудалари ва уларнинг мустақкамлик тавсифлари ўртасидаги аналитик боғлиқликни баҳолаш имконини берди.




4-расм. Балласт қатлами тебранишлари амплитудасининг йўловчи поездлари ҳаракатланиш тезлигига боғлиқлиги

катлами бўйича бирламчи маълумот тўплаш учун мўлжалланган. Балласт қатламининг ифлосланганлиги унинг техник ҳолатини белгилаб берадиган

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ темир йўлларини кўчувчи қумлардан химоя қилишга қаратилган Комплекс дастур чоратадбирларини амалга ошириш доирасида қум босадиган участкаларда темир йўл балласт қатламини тадқиқ этиш усули ишлаб чиқилди. Услуб кўчувчи қумларнинг йўл юқори қурилмаси конструкциясининг техник ҳолатига таъсирини баҳолашда балласт

асосий параметр бўлиб ҳисобланади.

Балластнинг ифлосланганлик даражаси балласт қатламини махсус машиналар билан ялпи ва тўлиқ тозалаш амалга оширилиб, шпала яшиклари остида зарур минимал қалинликда тоза балласт қатлами ҳосил қилинадиган темир йўл изини таъмирлаш муддатларини тайинлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Балласт қатлами чақиқтошининг ифлослантурувчи-ларига 25 мм дан кичик бўлган барча фракциялар киради. Қатламнинг ифлосланганлик даражасини аниқлаш учун балластнинг белгиланган қисимларидан намуналар олинади. Балласт қатламининг чақиқтошини ҳажми ва оғирлиги бўйича ифлосланиши даражаси фарқланади.



**5-расм. Ифлосланганлик даражасини аниқлаш мақсадида балласт қатлаmidан намуналар олиш схемаси**

Балласт намунаси ҳажми 50 кг дан кам бўлмаслиги шарт. Йўлдан олинadиган балласт намуналари сони балласт ифлосланганлигини аниқлаш мақсадларига боғлиқ:

-бир километр йўлга балласт қатлами намунаси йўл масофасининг техник паспортларида қатлам ифлосланганлигини акс эттириш учун;

-намуна жойида, балласт қатлами темир йўл бўйлаб ўртача

даражада ифлосланган ердан, кўздан кечириш орқали олинади;

-бир километр йўлга уч балласт намунаси - йўлни таъмирлаш муддатларини режалаштириш учун;

-йўл бўйлаб балласт олинadиган нуқталар орасидаги масофа тахминан бир хил бўлиши шарт; намуналар балласт қатлами темир йўл бўйлаб балласт қатлами ўртача даражада ифлосланган жойдан, кўздан кечириш орқали олинади;

-илмий тадқиқотлар учун олинadиган балласт намуналари сони ва намналар олиш жойи илмий тадқиқотлар ўтказилиш дастури ва услубиётига биноан аниқланади. Балласт намуналарини олиш 5-расмда кўрсатилгани каби бажарилади.

Ифлосланган балласт намуналари шпала яшиги узунлиги бўйича балласт қатлами юзасидан камида 0.25 м чуқурликда олинadилар. Ифлосланган балласт брезент, клеенка ёки зич пластикдан бўлган, 1.5x1.5 м ўлчамли тўшамага жойланади. Тўшамадаги балласт яхшилаб аралаштирилиб, сўнг тўшамадаги диск тарзида текисланади. Диск тўртта тахминан бир хил секторга ажратилади. Иккита қарама-қарши сектор тўшамадан олиб ташланади. Балласт намунасининг қолган қисми яна аралаштирилиб, диск сифатида текисланиб, тўрт секторга бўлинади, икки сектор эса олиб ташланади ва ҳ.к. Намунани аралаштириш ва унинг ҳажмини қисқартиришга қаратилган ҳаракатлар тўшамада 10-15 кг ифлосланган балласт қолганига қадар давом эттирилади.

Тўшамада қолган балласт намунаси челақка олиниб, унинг оғирлиги камида 0.1 кг аниқлик билан ўлчанади. Балласт намунаси ўлчанганидан сўнг у

челакдан юмалоқ тирқишлари диаметри 25 мм бўлган элакка ағдарилади ва балласт намунаси элакдан ўтказилади. Элакдаги қолдиқ (25 мм дан йирик фракцияли чақиқтош) яна челакка ағдарилиб, камида 0.1 кг аниқлик билан ўлчанади. Чақиқтошли балластнинг ифлосланганлик даражаси массасига кўра фоизларда қуйидаги ифода бўйича аниқланади: (3)

$$q = \frac{M - m}{M} 100 \%, \quad (3)$$

бу ерда  $m$ -элакда қолган чақиқтош массаси, кг;  $M$ -намунанинг умумий массаси (чақиқтош билан бирга ифлослангич), кг.

**«Кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламининг мустаҳкамлик хоссаларини модели экспериментал тадқиқотлари» деб номланган учинчи бобда** назарий тадқиқотлар поездларнинг тезювар ҳаракатланишидаги таъсирнинг сейсмик тебранишларга ўхшашлигини асослаб бериш имконини яратди. Ер кўтармаситебранишларининг амплитудаси ҳаракатланиш тезлигига, ҳаракатланувчи таркиб ҳолатига, йўл ер полотносининг емирилганлик даражасига боғлиқлиги кўрсатилган.

Кўчувчи қумлар билан ифлосланган балласт қатламининг мустаҳкамлик хоссаларини аниқлаш мақсадида поездларнинг тезювар ҳаракатланишида табиий шароитларда тажрибалардан олингани каби сейсмик платформа ва марказдан қочма моделлаштириш машинасидан фойдаланиб модели экспериментлар ўтказиш усули қўлланилди.

Модели экспериментлар натижаларини солиштириш назарий кўрсаткичлар ва табиий экспериментлар натижаларининг ишонарлилик даражасини аниқлаш имконини берди. Балласт қатлами қалинлиги, намлиги ва унинг ифлосланиш даражасига боғлиқ равишда ўтказилган экспериментал тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг сейсмик платформаси ва марказдан қочма машинаси ёрдамида бажарилди (6-расм). Гравитация майдонига ўхшаш куч майдонида марказдан қочма машина билан ҳосил қилинадиган ва интенсивлиги  $n$  марта катта бўлган марказдан қочма кучлар майдонидан фойдаланилди.

$$n = \sqrt{\frac{\omega^2 R_{\text{эф}}}{g} + 1} \quad (4)$$

бу ерда  $n$ -чизиқли моделлаштириш масштаби;  $R_{\text{эф}}$ -самарали айланиш радиуси;  $\omega$ -марказдан қочма ускуна айланишининг бурчак тезлиги;  $g$ -эркин тушиш тезлашиши. Марказдан қочма моделлаштиришда масштабли нисбатлар қуйидагича деб олинган:

$$L_n = n \cdot L_m; S_n = n^2 \cdot S_m; V_n = n^3 \cdot V_m; P_n = n^2 \cdot P_m; \sigma_n = \sigma_m; T_n = T_m; t_n = n \cdot t_m,$$


бу ерда  $L$ -узунлик;  $S$ -майдон;  $v$ -ҳажм;  $P$ -куч;  $\sigma$ -зўриқиш;  $T$ -харорат;  $t$ - вақт;  $n$ ,  $m$ -натура ва моделга мувофиқ индекслар.

Механик тизим ҳаракатини моделлаштиришда, вақт- $t$  марказдан қочма

моделлаштиришда табиий шароитдагига нисбатан  $n$  марта кичик бўлади. Бу айниятни эътиборга олган ҳолда, (4) тенгламада марказдан қочма ускуна тезлигини ўзгартириш билан зарур моделлаштириш масштаби танлаб олинади. Ишнинг ўлчов қисмида, тензометрик маълумотлар кўрсатмаларини қайд этиш мақсадида осциллограф шахсий компьютер билан алмаштирилди.

Тажрибалар натижаларига ишлов бериш учун махсус дастур ишлаб чиқилди ва эксперимент жараёнини компьютер мониторида кузатиб бориш, тажрибалар тугалланганидан сўнг эса зарур маълумотларни графиклар кўринишида ёзиб олиш имконияти пайдо бўлди. Эксперимент натижалари тажрибалар тугаллангандан сўнг рақамли ва график шаклда таҳлил қилиш мақсадида чоп этилади. Тўртта каналли ўлчаш мажмуаси ишлаб чиқилди. Уч тензометрия канали тадқиқ этилаётган моделга ўрнатилган датчиклар сигналларини қайд этиш учун, улардан бири эса оптик датчик ёрдамида марказдан қочма ускуна айланишлари сонини қайд этиш учун олинди.


Тажрибалар моделлаштиришнинг  $n=10$  ишчи масштабида ўтказилди, каретка ўлчамлари:  $L=35,2$  см,  $B = 23,8$  см. Ишчи участкаси баландлиги - 30 см. Ер полотноси асоси-гранулометриқ таркиби 10 баробар кичик бўлган бархан қумлари, гранулалари ўлчами табиий шароитдаги чақиқтошли балласт призмасининг доначаларидан 10 марта кичик бўлган балласт призмаси, модел қатлами қалинлиги  $h=3; 6; 9$  см. Тажрибалар жараёнида қатлам қалинлиги, унинг намлиги ва ифлосланиш даражаси ўзгартириб турилди.




**6-расм. Марказдан қочма машинанинг умумий кўриниши.**  
**1-Марказдан қочма камера; 2-центрифуга вали; 3-таянч;**  
**4-коромисло; 5-6-кареткалар; 7-8-ток олгичлар; 9-шкив;**  
**10-электродвигатель; 11-қайиш**

6-расмдан маълумки, моделлаштириш масштаби  $n=10$  бўлганида, экспериментлар натижаларидаги хатолик  $\Delta n=9,6\%$  ни ташкил қилиб, бу ана шундай мураккаб экспериментлар учун йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткич. Экспериментлар натижалари 7, 8, 9-расмларда келтирилган.


Кўчувчи қумлар билан турли ифлосланиш даражасида балласт қатламининг мустаҳкамлик хоссаларини ўрганиш бўйича модели тажриба натижалари табиий экспериментлар натижалари билан 12-19% мос келиб, бу эса бажарилган тадқиқотларнинг ишонарлигининг етарли тасдиғи бўлиб ҳисобланади.



7-расм. Солиштирма илашиш ўзгаришининг чақиқтош бархан қумлари билан ифлосланганлик қийматига боғлиқлиги



8-расм. Ички ишқаланиш бурчаги ўзгаришининг чақиқтош бархан қумлари билан ифлосланиш қийматига боғлиқлиги



9-расм. Солиштирма илашиш нисбий пасайиши  $K_c$  ва ички ишқаланиш бурчаги  $K_\phi$  кўрсаткичлари ўзгаришининг чақиқтош бархан қумлари билан ифлосланиш фоизига боғлиқлиги

